



Китоб туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси
директори С.Султонов

« 12 » сентябрь 2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

**Китоб туман йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси**

**4 К-273 “КИТОБ Ш.-ПАЛАНДАРА К.-НАРИМОНК.” АВТОМАБИЛ
ЙУЛИНИНГ 3-4КМ ОРАЛИГИНИ ЖОРИЙ
ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ
БУЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ.**

Китоб туман 2022 йил

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Китоб туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси **4 К-273 “КИТОБ Ш.- ПАЛАНДАРА К.-НАРИМОНК.” АВТОМАБИЛ ЙУЛИНИНГ 3-4КМ ОРАЛИГИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БУЙИЧА ТАНЛОВ** эълон қилади

1.2 Танловнинг юқори тахминий қиймати ККС ва бошқа харажатлар билан бирга 106 025 788,0 (Бир юз олти миллион йигирма беш минг етти юз саксон саккиз) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди.

1.4. Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан «Бажарувчи» билан шартнома тузилади.

1.5. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича

1.6 Ишларни бошлаш муддати: Шартнома тузилгандан сунг 2 банк иш кунида

1.7 Ишларни тугатиш муддати: 60 банк иш кунида

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Китоб туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Китоб туман М.Турсунзода 100 уй

Малумот учун тел: +998 (99)-954-14-87

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. Танлов Иштирокчилари

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар шу мазмунда хизмат курсатишга ихтисослашган камида 1 йил тажрабага эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликда биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Кайта ташкил этилиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд булмаганларга рухсат этилади.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш.

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (XARID.UZEX.UZ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қўйидагилар такдим этилиши лозим:

❖ Ахборот майдончасидаги (ариза ва танлов иштирокчисининг молиявий ахволи) кисмини тулдириб муҳрлаши ва ишзолаши шарт.

❖ Иштирокчи корхона тугрисида тулик маълумот Гувоҳнома, устав, Корхона раҳбарининг фуқаролик паспортдан ва буйруқдан нусха, корхонанинг юридик манзили, корхонада мавжуд ходимлар тугрисида тулик маълумот. (Богланиш учун тел юки электрон почта)

❖ Танловда қўйилган объектни урганганлиги тугрисида маълумотнома. Шу турдаги ишларни бажарганлиги тугрисида маълумот F-5 F-2 такдим қилиш охириги 3 йиллик баланс, молиявий натижа.

❖ Иштирокчи корхонанинг қурилиш асбоб ускуналари машина-механизмлар рўйхати ҳақида маълумот.

❖ Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги мол-мулки мусодарага олинмаганлиги, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги инсофсиз корхоналар сафида мавжуд эмаслиги тугрисида қафолот хат

❖ Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома.

❖ Банкдан ҳисоб рақамда қортотека мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот.

❖ Танлаш иштирокчиси томонидан коррупсия қурилишларига йул қўймаслик буйича қафолот хати

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда pdf кўринишида такдим этилишлари лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

• Фақат битта таклиф бериш мумкин:

• Такдим этилаётган ҳужжатларининг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

• Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

5. Таклифларни такдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъаллуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар. кунга узайтириши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши мумкин.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш.кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танловнатижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Буюртмачи мажбуриятлари.

«Буюртмачи» «Бажарувчи» билан шартнома имзолагандан сунг шартноманинг умумий суммасидан 2 банк иш кун ичида 30 % (аванс) тулови тулаб беради, шартноманинг колган 65% суммани ишлаган иш хизматига караб булиб тулаб беради. Колган 5% суммани шартнома тузилган санадан 365 кундан сунг тулаб беради.

Бажарувчи мажбуриятлари.

4 К-273 «КИТОБ Ш.- ПАЛАНДАРА К.-НАРИМОНК.» АВТОМАБИЛ ЙУЛИНИНГ 3-4КМ ОРАЛИГИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БУЙИЧА ТАНЛОВНИ СИФАТЛИ ВА УЗ ВАКТИДА БАЖАРИШИ ШАРТ.

Объектда назорат улчовини утказганлиги буйича тайёрланган хулоса, бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб фактура такдим этиши шарт.

"Китоб туман йулларидан фойдаланиш унитар корхонаси"

Китоб туман 2022 йил

Китоб туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси
директори  С.Султонов
» 2022 йил

Китоб туман йулларидан фойдаланиш унитар корхонаси

ТЕХНИК ТОПШИРИК

**4 К-273 “КИТОБ Ш.-ПАЛАНДАРА К.-НАРИМОНК.”
АВТОМАБИЛ ЙУЛИНИНГ 3-4КМ ОРАЛИГИНИ ЖОРИЙ
ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ**

БУЮРТМАЧИ:

Китоб ТЙФУК


Китоб туман 2022-йил

№	Асосий маълумот	Бажарувчи
1	Буюртмачи	Китобтуман йулларидан фойдаланиш унитар корхонаси
2	Танлов мазмуни ёки номи	4 К-273 “КИТОБ Ш.-ПАЛАНДАРА К.-НАРИМОНК.” АВТОМАБИЛ ЙУЛИНИНГ 3-4КМ ОРАЛИГИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ
3	Танлов элон килинган жой	Китоб туман М.Турсунзода 100 уй
4	Савдо элон килинадиган портал	XARID.UZEX.UZ
5	Савдо тури	Энг яхши таклифлани танлаш
6	Валюта тури	Ўзбекистон Республикаси суми
7	Богланиш учун тел	+998 (99)-954-14-87
8	Танлов охирги қиймати	106 025 788,0 (Бир юз олти миллион йигирма беш минг етти юз саксон саккиз) сум.
9	Танлов иштирокчилари	1.Мулкчилик шаклидан катий назар исталган юридик шахслар шу жумладан кичик бизнес субъектлари танловда иштирок этишлари мумкун. 2. Факат битта таклиф бериш мумкин: 3.Такдим этилаётган хужжатларининг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади; 4. Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳ.укукига эга
10	Буюртмачи томонидан белгиланган ишларни бажариш муддати	60 кун
11	Товар ва хизматларга куйилган талаблар.	1 Иштирокчи корхона тугрисида тулик маълумот Гувоҳнома, устав, Корхона раҳбарининг фукоролик паспортдан ва буйрукдан нусха, корхонанинг юридик манзили, корхонада мавжуд ходимлар тугрисида тулик маълумот. (Богланиш учун тел юки электрон почта) 2 Танловда куйилган объектни урганганлиги тугрисида маълумотнома. Шу турдаги ишларни бажарганлиги тугрисида маълумот F-5 F-2 такдим қилиш охирги 3 йиллик баланс, молиявий натижа. 3 Иштирокчи корхонанинг қурилиш асбоб ускуналари машина-механизмлар руйхати хақида маълумот. 4 Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги мол-мулки мусодарага олинмаганлиги, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги инсофсиз корхоналар сафида мавжуд эмаслиги тугрисида қафолот хат 5 Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги хақида маълумотнома. 6 Банкдан ҳисоб рақамда қортотека мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот. 7 Танлаш иштирокчиси томонидан коррупсия қуринишларига йул қуймаслик буйича қафолот хати.

		<u>Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда pdf кўринишида такдим этилишлари лозим.</u>
12	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	«Буюртмачи» «Бажарувчи» билан шартнома имзолагандан сунг шартноманинг умумий суммасидан 2 банк иш куни ичида 30 % (аванс) тулови тулаб беради, шартноманинг қолган 65% суммаси ишлаган иш хизматига қараб бўлиб тулаб беради. Қолган 5% суммаси шартнома тузилган санадан 365 кундан сунг тулаб беради
13	Танлов бўйича таклифларни баҳолаш вақти	Танлов таклифларни қуриб чиқиш муддати 3 иш кунидан ортиқ эмас
14	Танлов таклиф бериладиган тил	Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига қура ўзбек тилида такдим этилиши мумкин.
15	Томонларнинг жавобгарлиги	1. Давлат харидлари туғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар 2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қўлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир. 3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилиги жавобгардир. Қўлиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

Комиссия аъзолари :

Раис :


 _____ С.Султонов

 _____ С.Каримов

 _____ А.Ахмидов

 _____ Ш.Жураев

 _____ С.Шукуров

 _____ Д.Сапаралиев